

DOI: 10.5281/zenodo.15869860

Link: <https://zenodo.org/records/15869860>

ИҚТИСОДИЁТНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ШАРОИТИДА ЧАРМ-ПОЙАБЗАЛ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Азимова Ф. П., Отаниёзов О.О

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти

azimovaf@gmail.com

97-441-67-71

Аннотация: Мақолада чарм-пойабзал саноатини ривожлантиришда ишлаб чиқариш занжирининг узвийлиги таъминлаш борасида “Хомашёдан - тайёр маҳсулотгача” тамойили асосида терини қайта ишлашдан тортиб, ундан қўшилган қийматли, рақобатбардош ва экспортбоп тайёр маҳсулотлар олишгacha бўлган барча босқичларни қамраб олувчи тизим истиқболлари яратилганлиги баён этилган.

Калим сўзлар: чарм-пойабзал, хомашё, тайёр маҳсулот, қўшилган қиймат, тайёр маҳсулот, пойабзал, чарм-атторлик, қоракўл, мўйна, импорт, экспорт.

Истиқболда Ўзбекистон пойабзал саноатини ривожлантиришнинг энг муҳим йўналишларидан бири инновацион ривожланиши жадаллаштириш учун шароитлар яратиш, ишлаб чиқариш ҳажми, маҳсулотлар сифати ва ассортиментини истеъмолчиларнинг умумий талабига мувофиқлигини таъминлаш, тармоқнинг миллий аҳамиятини оширишдан иборат.

Кейинги йилларда чарм-пойабзал ва мўйначилик саноатини ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор натижасида ишлаб чиқариш занжирининг узвийлиги таъминланди. Бу борада “Хомашёдан - тайёр маҳсулотгача” тамойили асосида терини қайта ишлашдан тортиб, ундан қўшилган қийматли, рақобатбардош ва экспортбоп тайёр маҳсулотлар олишгacha бўлган барча босқичларни қамраб олувчи яхлит тизим яратилди.

Илгари фойдаланилмаган имкониятлар кенглиги борасида чарм-пойабзал ва мўйначилик саноати етакчилардан бири эди, чунки қишлоқларда яшовчи одамларимиз ўз хонадонида ўнлаб чорва боқарди, яъни чарм-пойабзал саноати учун зарур хомашё топиш мумкин эди. Лекин хомашёни қайта ишлаш йўлга қўйилмагани туфайли, масалан, пойабзалнинг асосий қисмини катта маблағ эвазига импорт қиласардик. Бугун бу ҳолат тамоман акси: хом ашё импорт қилиб, тайёр маҳсулот экспорт қиляпмиз. Соҳа ривожида давлат томонидан қўллаб-куватлашдан тортиб, халқаро сифат сертификатларига эга бўлиш, янги бозорга йўл олишга қаратилган Президентимизнинг қарорлари, норматив ҳужжатлар қабул қилинаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир тадбиркорга индивидуал ёндашув асосида амалий кўмак кўрсатилияпти. Бу қадам, энг аввало, “Ўзчармсаноат” уюшмаси фаолиятининг йўлга қўйилиши билан бошланди.

Дарҳақиқат, чарм-пойабзал ва мўйначилик соҳасини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, хомашёни қайта ишлашни чуқурлаштириш, илғор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини диверсификациялаш ва экспорт қилинадиган товарларни кенгайтириш асосида уларнинг жадал ривожланиши учун зарур шарт-шароит

яратиши мақсадида 2018 йил 3 майда давлатимиз раҳбарининг “Чарм-пойабзal ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.[1].

Унга мувофиқ, “Ўзбекчармпойабзали” уюшмаси “Ўзчармсаноат” уюшмаси этиб қайта ташкил қилинди. 2022 йил 26 февралдаги “Чарм-пойабзal ва мўйначилик соҳаларида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-куватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор билан эса, тери хомашёсини чуқур қайта ишлаш асосида ундан юқори қўшилган қийматли тайёр чарм-пойабзal маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва экспорт қилишни жадаллаштириш мақсадида 2026 йилга қадар чарм-пойабзal, жун ва мўйначилик маҳсулотлари экспортини 2,8 баробар қўпайтириш вазифаси белгиланди.[2].

Президентимизнинг 2023 йил августда тадбиркорлар билан ўтказган навбатдаги очиқ мулоқоти доирасида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш, шунингдек, чарм-пойабзal ва мўйначилик соҳасини янада ривожлантириш, импорт ўрнини босувчи, экспортга мўлжалланган юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида навбатдаги муҳим ҳужжат қабул қилинди. Президентимизнинг 2023 йил 11 октябрдаги “Чарм-пойабзal ва мўйначилик соҳаларида ислоҳотларни янада жадаллаштириш ва соҳанинг экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ти қарорига мувофиқ, 2024-2026 йилларда чарм-пойабзal саноатини янада ривожлантириш ва хорижий брендлар билан ҳамкорлик ўрнатиш дастури тасдиқланди.

Бугунги кунда мазкур ҳужжатлар ижроси доирасида чарм-пойабзal ва мўйначиликда хомашё ресурсларидан самарали фойдаланиш, сифат кўрсаткичларини ошириш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, ташқи бозорлардаги тарғиботни кучайтириш ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш бўйича ишлар фаол давом эттирилмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатлар натижасида бугун Ўзбекистон чарм саноати Марказий Осиёда энг кўп ишлаб чиқариш қувватига эга мамлакат, энг йирик экспортёр давлат мақомига эришди. Ўзимиздаги хомашёдан ташқари, қўшни давлатлардан тери харид қилиб, уни қайта ишлашдек салоҳиятга эга тармоқ вужудга келди.

Айни пайтда уюшма таркибига 280 миллион жуфтдан зиёд ишлаб чиқариш қувватига эга 500 дан ортиқ пойабзal фабрикалари киради. “Ўзчармсаноат” уюшмасидан маълум қилишларича, 2023 йил якуни билан саноат корхоналари томонидан 247 миллион жуфт пойабзal ишлаб чиқарилиши кутилмоқда. 500 дан зиёд моделдаги пойабзal маҳсулотларини ишлаб чиқариш давр талабига ҳамоҳанг тарзда, жумладан, комбинацияланган ва экологик тоза материаллардан фойдаланиш негизида ўзлаштирилди.

Масалан, Қорақалпоғистонда фаолият юритаётган “Ориент Тесҳнологий”, Сирдарё вилоятидаги “Peng Sheng Charm”, Сурхондарёдаги “Top Quality Brand” ва Тошкент вилоятидаги “Angren Charm Invest” корхоналари Италия ҳамда Германиянинг замонавий технологияларига асосланган асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Шунингдек, Фарғона вилоятидаги иш жараёни тўлиқ автоматлаштирилган “Vodiy Shoyes”, Андижон вилоятидаги “Ravon taraqqiyot

орзусі" күптармоқли корхоналарини ҳам ана шундай ишлаб чиқариш қувватлари қаторига киритиш мүмкін. Ўтган вақт мобайнида соғаны ривожлантириш юзасидан олиб борилған саъй-харакатлар самарағаси үлароқ, мамлакатимизда пойабзалға әхтиёжнинг катта қисмини қоплаш имконияти яратылды. Жумладан, буғунғи кунда әркаклар пойабзали бүйича әхтиёж 92 фоиз, аёллар ва болалар пойабзали бүйича эса 60-75 фоиз үзимизда ишлаб чиқарылған маҳсулотлар ҳисобидан қоланыпты. Эътиборлиси, бу борадаги ички талабни түлиқ қоплаш, шу билан бир қаторда, экспорт имкониятини кенгайтириш чоралари күрилмоқда.

2023 йил январь-ноябр ойларыда ҳам тармоқда самарали натижаларга әришилди. Ишлаб чиқариш қувватлари сони ошди, маҳсулотлар тури ва ҳажми ортди. Мисол учун, жорий йилнинг 11 ойида 7 триллион 105 миллиард сүмлик маҳсулот ишлаб чиқарылған, 2022 йилнинг мос даврига нисбатан үсиш 112 фоизни ташкил этди. Натижада маҳсулот таннархини 10,3 фоиз камайтиришга әришилди, 315 миллиард сүм маблағ иқтисод қилинди. Йил якуни билан эса 7 триллион 701 миллиард сүмлик маҳсулот ишлаб чиқарылыш режа қилинганды.

Уюшма томонидан 2024 йил учун белгилаб олинған режалар ҳам улкан. Жумладан, әртап-пойабзал ва мүйначилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини камида 49,7 фоизга ошириш орқали 11 триллион 520 миллиард сүмлик маҳсулот ишлаб чиқарыш, таннархни 5,2 фоиз камайтириб, 509 миллиард сүм маблағни иқтисод қилишга әришиш кўзда тутилган.

Айни пайтга қадар пойабзал, әртап-атторлик, қоракўл ва мүйна маҳсулотлари, асосан, Германия, Италия, Португалия, Франция, Бельгия, Миср ва Корея давлатлариға экспорт қилинганды, 2022 йилдан улар қаторига АҚШ, Япония, БАА, Камерун ва Колумбия каби давлатлар кўшилди.

Экспорт салоҳиятини янада ошириш бүйича зарур чоралар күрилмоқда. Жумладан, Германиянинг "Berkemann" ва Россиянинг "Avanti", "Yaxting", "Парижская коммуна", "Ortomoda", "Marakc", "Bars", "Vostok", Туркиянинг "Vakko", "Hotic", "Greyder", "Yargici" пойабзал брендлари, "Manu Ateliyer" ва "Yesin Akan" каби компанияларининг әртап-атторлик маҳсулотлари брендлари бүйича "autsorsin" ва "franchayzin" йўналишида ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган. Жорий йил якуни билан экспорт ҳажмини 610 миллион долларга етказиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Ўзбекистон-2030" стратегияси тўғрисида"ги №ПФ-158-сонли Қарорида асосан::

Әртап-пойабзал саноатини янада ривожлантириш ва хорижий брендлар билан ҳамкорлик ўрнатиш дастури доирасида 2024-2026 йилларда "Berkemann", "Caprise", "Baldinini", "Li-Ning", "Anta Sports", "Peak Sport", "Xtep" каби 30 дан ортиқ нуфузли хорижий брендлар жалб қилинади.

2023-2025 йилларда әртап-пойабзал ва мүйначилик соҳаларида юқори кўшилган қийматли, импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш бүйича умумий қиймати 1 миллиард долларга teng 769 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

Чарм-пойабзal саноатини янада ривожлантириш натижасида 2024-2030 йиллар давомида чарм-пойабзal саноатига 30 дан ортиқ нуфузли хорижий брендларни жалб қилиш ҳисобига қўшилган қийматни 5 баробарга оширишга эришилиши кутилмоқда.

3.9-жадвал

2024-2030 йилларда Ўзбекистон Республикаси чарм-пойабзal саноати корхоналарига нуфузли хорижий брендларни жалб қилиш ҳисобига қўшилган қийматни ошириш тадбирлари хақида маълумот[3]

T/ р	Кўрсаткичлар	2024	2025	2026	2027	2028	2029	2030
1.	Чарм-пойабзal саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, млрд.сўм	11520,0	12375,4	14547,2	17505,6	18972,85	21600,3	23372,6
2.	Чарм-пойабзal саноатида экспорт диверсификацияси индекси	2,57	2,64	2,73	2,8	2,93	2,98	3,4
3.	Чарм-пойабзal саноатида экспорт ҳажми, млн.АҚШ доллари	490,0	565,0	615,0	670,0	710,0	790,0	980,0
4.	Чарм-пойабзal саноатига таникли хорижий брендларни жалб қилиш, та	4	9	16	19	23	28	32
5.	Чарм-пойабзal саноатига таникли хорижий брендларни жалб қилиш ҳисобига қўшилган қиймат улуши, %	1,8	2,7	4,6	5,8	6,7	8,3	9,0 (5баробарга ошади)

3.9-жадвал маълумотларидан кўринишича, 2024-2030 йилларда мамлакатимиз чарм-пойабзal саноати соҳасида тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2,03 марта (23372,6 : 11520,0) га ёки 11852,6 (23372,6 - 11520,0) млрд.сўмга ортиши, чарм-пойабзal саноатида экспорт диверсификацияси индексининг 1,3 марта (3,4:2,57) га ёки 0,83 (3,4 - 2,57) га ортиши, чарм-пойабзal саноатида экспорт ҳажмининг 2 марта (980:490)га ёки 490 млн. (980-490) АҚШ

доллариға ўсиши, чарм-пойабзal саноатига жалб этилиши режалаштирилган таниқли хорижий брендлар сонининг 8 марта (32:4)га ёки 28 (32-4) тага ортиши, чарм-пойабзal саноатига таниқли хорижий брендларни жалб қилиш ҳисобига қўшилган қиймат улушининг 5 марта (9,0 : 1,8) га ёки 7,2 фоиз (9,0-1,8) га ортиши кутилмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозим деб билдик. Жаҳон иқтисодиётида чарм-пойабзal саноати инновацион ва экологик талабларга жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган бўлиб, Ўзбекистонда ҳам ушбу йўналишдаги трансформация жараёнларини жадаллаштириш зарур. Маҳаллийлаштириш ва ресурс тежовчи технологияларни жорий этиш орқали ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва импортга боғлиқликни камайтириш мумкин. Шу боис, тармоқни ривожлантириш истиқболлари узоқ муддатли инновацион стратегиялар асосида белгиланиб, иқтисодий ўсишга хизмат қилувчи ислоҳотлар амалга оширилиши зарур деб биламиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 майда “Чарм-пойабзal ва мўйначилик соҳаларини ривожлантириш ва экспорт салоҳиятини оширишни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 26 февралдаги “Чарм-пойабзal ва мўйначилик соҳаларида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги “Ўзбекистон-2030” стратегияси тўғрисида”ги №ПФ-158-сонли Қарори.
4. «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси хисобот маълумотлари